
Риштон туманига Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Миллий координаторлари Кенгаши аъзолари ташриф буюрдилар

Фарғона шаҳрида ўтказилган Кенгашнинг навбатдаги йиғилишида иштирок этган меҳмонлар Фарғона вилояти бўйлаб саёҳат қилиб, диққатга сазовор жойлар, гастронмик ва агротуризм имкониятлари билан танишдилар.

Хусусан, бугун Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Миллий координаторлари Кенгаши аъзолари Риштон туманидаги “Халқаро кулоллар маркази” ва уста-кулол Равшан Тожиддиновнинг мезейида бўлишди.

Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиев меҳмонларни кутиб олиб, туманимизнинг диққатга сазовор жойлари билан таништирди. Риштон тумани туризм салоҳияти, маданияти ва тарихи хусусида маълумот берди.

2022-04-28 17:32:03